

Кредитнинг тўлиқ қиймати
миқдори «Times New Roman» 14
ўлчамли шрифтдан кам бўлмаган,
рақам ва сўзлар билан ёзилади

Автокредит бериш тўғрисида кредит шартномаси

_____ шахри.

202_ йил _____.

“Гарант банк” акциядорлик жамиятининг _____ филиали (кейинги ўринларда – Банк) номидан Низом ҳамда 202_ йил ____ даги ____-сонли ишончнома асосида ҳаракат қилувчи Банк бошқарувчиси _____ бир томондан ва _____ да доимий (вақтинчалик) яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган, _____ (Ф.И.Ш.) (паспорт _____ томонидан ____ __ __ йилда берилган) (кейинги ўринларда – Қарз олувчи) иккинчи томондан, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. Шартнома предмети

1.1. Банк қарз олувчига Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган _____ русумли автотранспорт воситасини сотиб олишга доир истеъмол эҳтиёжлари учун аниқ мақсадли кредит беради.

1.2. Берилаётган кредит суммаси: _____.

Кредит мақсади: _____ русумли автотранспорт сотиб олиш учун.

Кредит ____ ойдан иборат бўлган имтиёзли давр билан _____ муддатга берилади.

1.3. Кредит бўйича қарз қолдиғига йиллик ____% ҳажмида фоизлар ҳисобланади. Муддати ўтган қарздорлик учун йиллик ____% ҳажмида фоизлар ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда, ойнинг ____-кунидан кечикмай тўлаб борилади.

1.4. Кредитни ўзлаштириш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 календарь кун.

1.5. Кредит бўйича тўловлар аннуитет-тенг миқдордаги ойлик тўловлар билан ёки асосий қарз тенг улушлар билан сўндириб борилади. Ушбу Шартноманинг иловаси ва ажралмас қисми бўлган Кредитни сўндириш графигига мувофиқ сўндириш даврийлиги ҳар ойнинг _____ (ойига камида бир марта) санасига амалга оширилади.

1.6. Қарз олувчи томонидан ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар тегишлича бажарилишини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 783-моддасига мувофиқ, Банкка кредит бўйича қарзларни сўндириш бўйича Қарз олувчининг Банкдаги ҳар қандай ҳисобварақларидан ҳар қандай валютадаги пул маблағларини чиқариб олиш ҳуқуқини тақдим этилади.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Банкнинг мажбуриятлари:

2.1.1. Қарз олувчига _____ (сумма рақам ва сўз билан) ҳажмида кредит бериш.

2.1.2. _____ кредит ҳисобварағи очиш.

2.1.3. Қарз олувчининг ёзма топшириғига асосан кредит ҳисобварағидан _____нинг _____ банкида очилган (савдо ташкилотининг номи, савдо ташкилотининг СТИР) (хизмат кўрсатувчи банк номи, банк коди) _____-депозит ҳисобварағига тақдим этилган хужжат _____ (ҳисоб варақ рақами) (автотранспорт воситаси сотиб олиш _____га асосан тўловларни расмий диллери ҳисобварағига нақдсиз пул ўтказиш учун маълумотнома-тўловнома) йўли билан амалга ошириш.

2.1.4. Қарз олувчини кредит беришни рад этиш, кредитни муддатидан олдин ундиришга қаратиш сабаблари тўғрисида ёзма хабардор қилиш.

2.1.5. Кредит ажратилгунига қадар талаб қилиб олгунча депозит ҳисобварағи очиб, қарз олувчи томонидан топширилган _____ % миқдоридаги _____ сўм пул маблағларини қирим қилиш.

2.1.6. Қарз олувчидан кредитнинг жорий тўлови учун кредитни қайтариш жадвалида белгиланган суммага нисбатан кўпроқ маблағ келиб тушса, Қарз олувчининг тегишли оғзаки ёки ёзма аризасига кўра, келиб тушган маблағнинг ортиқча қисмини кредитнинг асосий қарзини сўндиришга йўналтириш ҳамда кредит суммасини қайта ҳисоблаш.

2.1.7. “Қарз олувчи” томонидан ушбу шартнома шартларининг бажарилиши ва унинг шартлари тўғрисидаги маълумотларни “Кредит ахбороти таҳлилий маркази” кредит бюроси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Кредит Ахбороти Давлат Реестрига юбориш.

2.2. Қарз олувчининг мажбуриятлари:

2.2.1. Кредит шартномаси кучга киргунича мазкур Шартноманинг 2.1.5.-бандида қайд этилган шартларга мувофиқ, кредит ҳисобидан сотиб олинаётган автотранспорт воситаси қийматининг _____ % миқдоридаги _____ сўм пул маблағларини талаб қилиб олгунча депозит ҳисобварағига киритиш.

2.2.2. Кредит қайтариш таъминоти сифатида қуйидагиларни амалдаги қонунлар талабларига мувофиқ ва Банкни қаноатлантирадиган шаклда расмийлаштириш:

а) кредит ҳисобига сотиб олинаётган, қиймати _____, русуми _____ бўлган автотранспорт воситасини давлат рўйхатидан ўтказган кундан бошлаб 10 (он) кунлик муддат ичида Банкка автотранспорт воситасининг давлат рўйхатидан ўтказганлигини тасдиқловчи гувоҳнома (техник паспорт)ни тақдим этиш.

б) кредит ҳисобига сотиб олинаётган, қиймати _____, русуми _____ бўлган автотранспорт воситасини давлат рўйхатидан ўтказган кундан бошлаб 10 (ўн) кунлик муддат ичида “Гарант банк” фойдасига гаров шартномаси асосида гаровга тақдим этиш.

2.2.3. Суғурта полиси кучга кириши учун етарли суммадаги суғурта бадалини суғурта компаниясига кредит олгунча тўлаш.

2.2.4. Кредитдан кўзланган мақсадда, _____ русумли автотранспорт воситаси пулини тўлашда фойдаланиш.

2.2.6. Ушбу Шартноманинг ажралмас қисми бўлган тўловлар жадвалига мувофиқ кредит ва унга ҳисобланган фоизларни 20__ йил “__” _____дан бошлаб ҳар ой _____ санада сўндириб бориш.

2.2.7. Кредитни сўндириш ва фоизларни тўлаш ишларини қуйидаги тарзда амалга ошириш:

Банк муассасаси кассасига нақд пул топшириш;

Қарз олувчининг Банкда очилган шахсий депозит ҳисобварағидан маблағ ўтказиш;

Қарз олувчининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни нақдсиз ўтказиш;

амалдаги қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа усулларда.

2.2.8. Кредитдан мақсадли фойдаланилишини тасдиқловчи ҳужжатларни Банкка тақдим этиш.

2.2.9. Кредитлаш даври мобайнида гаровга қўйилган мулк қиймати бозордаги шунга ўхшаш мулк нархлари пасайиши сабабли камайган ҳолларда ёхуд гаровга қўйилган мулкни сотишдан олинган маблағлар етмаган тақдирда Банкни қаноатлантирадиган шаклда кредит юзасидан етишмаётган суммада қўшимча таъминот тақдим этиш.

2.2.10. Қарз олувчи тўлов жавдалини ____ кун ичида кетма-кет бузган ҳолларда банк кредитни муддатидан олдин ундириш, ундирувни гаровга тақдим этилган мол-мулкка қаратиш чораларини кўради.

2.2.11. Кредит муносабатлари жараёнида зарурат туғилса, кредитлаш масалалари билан боғлиқ ҳар қандай маълумотни Банкка унинг талабига кўра тақдим этиш. Банкка берилган маълумот ва ҳужжатлар тўғрилиги учун қарз олувчи жавобгар бўлади.

2.2.12. Келгусида турар жойи, иш жойи, фамилияси ёки исми ўзгариши, шунингдек ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа ҳолатлар тўғрисида кўпи билан 3 (уч) кун ичида Банкка хабар бериш.

2.2.13. Кредит маблағлари ҳисобига сотиб олинган автотранспорт воситасини мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ бажармагунига қадар бегоналаштирмаслик.

2.2.14. Автотранспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ишончномани расмийлаштиришда, автотранспорт воситасини газ ускунаси билан жиҳозлашда Банкнинг ёзма розилигини олиш.

2.2.15. Банкнинг масъул ходимлари томонидан кредит маблағларининг мақсадли ишлатилишини мониторинг қилишларига барча зарур шарт-шароитларни яратиш, уларга қаршилик қилмаслик.

2.2.16. Кредит маблағлари ҳисобига сотиб олинган автотранспорт воситасини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқмаслик.

2.3. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Қарз олувчининг тўлов лаёқатини, кредит таъминоти етарлилигини назорат қилиш, Қарз олувчидан мажбуриятларни бажариш юзасидан керакли ҳужжатларни сўраб олиш.

2.3.2. Кредит ўз вақтида қайтарилмаган ҳолларда:

а) кредит (ёки унинг бир қисми) муддати ўтган тўловлар ҳисобварағига киритилган санадан бошлаб кредит учун ҳақни оширилган фоиз ставкаси бўйича, муддати ўтган қарз суммасидан йиллик ____% миқдорида белгилаш ва ундириш;

б) Қарз олувчидан кредитни (кредит бўйича қарз қолдиғини) муддатидан олдин қайтариш ва фоизларни тўлаш юзасидан дарҳол чоралар кўришини талаб қилиш;

в) кредит бўйича қарзни қоплаш учун таъминотни сотиш юзасидан қонунларга мувофиқ ҳар қандай ҳуқуқлардан фойдаланиш;

г) Қарз олувчи томонидан мазкур Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ва/ёки лозим даражада бажарилмаганлиги;

д) ушбу шартномани белгиланган тартибда бекор қилиш.

е) Қарз олувчи томонидан ушбу Шартнома бўйича қабул қилинган мажбуриятларнинг бузилиши ва/ёки лозим даражада бажарилмаганлиги, Қарз олувчи ва/ёки Кафилнинг молиявий аҳволи ёмонлашган ҳамда автокредит қайтарувчи ҳар қандай омиллар пайдо бўлганда, кредит шартномасини муддатидан олдин бир томонлама бекор қилиш ва қарздорликни тўлиқ ундириш тўғрисида тегишли судга даъво аризаси киритиш.

2.3.3. Қарз олувчи кредит бўйича асосий қарз ва фоизларни муддатли мажбуриятномага мувофиқ тўламаганда ёхуд тўловлар жадвалини бузган тақдирда Банк қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли чоралар кўради.

2.3.4. Қарз олувчи ушбу Шартнома шартларини қандай бажараётганлигини, жумладан кредитдан мақсадли фойдаланилишини текшириш.

2.3.5. Қарз олувчи томонидан ушбу Шартнома бўйича қабул қилинган мажбуриятларнинг бузилиши ва/ёки лозим даражада бажарилмаганлиги, Қарз олувчи ва/ёки Кафилнинг молиявий аҳволи ёмонлашган ҳамда қарздорликни ҳар қандай омиллар пайдо бўлганда, кредит шартномасини муддатидан олдин бир томонлама бекор қилиш ва қарздорликни тўлиқ ундириш тўғрисида тегишли судга даъво аризаси киритиш

2.4. Қарз олувчи ҳуқуқлари:

2.4.1. Ҳар ойда кредитни сўндириб бориш ва фоизларни тўлаш учун ишлатиладиган маблағларни Банкда махсус очилган депозит ҳисобварағига олдиндан, асосий қарз ва фоизлар бўйича навбатдаги тўлов муддати келгунича киритиб бориш.

2.4.2. Кредит шартномасининг шартлари Банк томонидан ўзгартирилиши тўғрисида камида 5 кун олдин маълумот олиш.

2.4.3. Банкни ёзма равишда олдиндан огоҳлантириб ва унинг розилигини олиб, ўз маблағлари ҳисобига кредитни муддатидан олдин қайтариш. Қарз олувчи асосий қарзни сўндиришдан олдин шу санадаги ҳолатга кўра ҳисобланган фоизларни тўлаши шарт.

3. Мажбуриятларнинг бажарилмаслик ҳолатлари

3.1. Ушбу бандда қайд етилган ҳодисалар Қарз олувчи томонидан мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ҳолатлари ҳисобланади:

- Қарз олувчининг автокредит, унга ҳисобланган фоизлар ва/ёки бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ушбу Шартнома, унинг бўйича тўловлар жадвали, шунингдек, ушбу Шартномада белгиланган бошқа шартномалар бўйича белгиланган санада амалга оширмаслиги;

- Банкни атайлаб ҳаққоний бўлмаган ҳужжатлар тақдим етган ҳолда чалғитиш;

- Қарз олувчи томонидан автокредит таъминоти бўйича Банкка берилган исталган таъминот турининг қисман ёки тўлиқ ўз қийматини йўқотганлиги ёки уларга бўлган мулк ҳуқуқининг ҳақиқий эмас деб топилганлиги;

- Қарз олувчи ва/ёки кафилнинг тўлов қобилиятининг ёмонлашганлиги ёки ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни бажарилмаслигига олиб келадиган аниқ маълумотларнинг яширилганлиги;

- ушбу Шартнома шартлари ва унда назарда тутилган мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилмаганлиги;

- ушбу Шартнома билан боғлиқ бўлган бошқа шартномалар шартларининг (гаров, кафиллик ва ҳ.к.) бузилиши.

3.2. Қарз олувчи томонидан ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаслик ҳолати юзага келган тақдирда, Банк ўз хоҳишига кўра қуйидаги ҳаракатлардан бирини амалга ошириши мумкин:

- Қарз олувчига мажбуриятларни бажармаслик ҳолати юзага келганлиги ва уни бартараф етиш учун муддатни белгилаган ҳолда ёзма билдиришнома (эътироз хати) юбориш;

- Қарз олувчи томонидан мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари юзага келганда унинг банклардаги барча ҳисобварақларидан (депозит, банк

картаси ва ҳ.к.) Қарз олувчининг розилигини олмаган ҳолда (аксептсиз тарзда) автокредит бўйича мавжуд қарздорликни қоплашга етадиган пул маблағларини ечиб олиш;

- ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини қўшимча равишда таъминланишини талаб қилиш;
- ушбу шартноманинг 5.1-бандида кўрсатилган ҳолатлар юз берганда, Қарз олувчидан автокредитнинг ҳаммасини ёки унинг бир қисmini белгиланган тартибда муддатидан олдин қайтаришни талаб қилиш;
- автокредит бўйича барча қарздорликларни автокредит таъминоти юзасидан тузилган шартномаларда (гаров, кафиллик ва ҳ.к.) белгиланган тартибда ундирувни таъминотга қаратган ҳолда ундириш.

4. Томонларнинг жавобгарлиги

4.1. Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилган мажбуриятларни бажаришдан бош тортиши ушбу шартнома шартлари ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

4.2. Қарз олувчи кредит таъминоти сифатида мулк(лар)ни гаровга тақдим этиш мажбуриятини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги ҳолатларида, қарз олувчи Банкка базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 (ўн) баравари миқдорида жарима ундирилиши мумкин.

4.3. Қарз олувчи томонидан кредит мақсадсиз ишлатилган ҳолатларда, Банкка базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 (ўн) баравари миқдорида жарима ундирилиши мумкин.

5. Шахсга доир маълумотлар

5.1. Қарз олувчи ушбу шартномани имзолаш орқали Банкка Қарз олувчининг шахсига оид маълумотларга ишлов беришга ўз розилигини беради.

5.2. Банк Қарз олувчининг шахсига оид маълумотларига қуйидаги мақсадларда ишлов беради ва ишлов бериши мумкин:

- ушбу шартнома бўйича Банкнинг ҳуқуқларини амалга оширишда ва мажбуриятларини ижро қилишда;
- Қарз олувчи ҳуқуқ ва мажбуриятларини лозим даражада амалга оширилишини таъминлашда;
- Қарз олувчи тўғрисидаги кредит (автокредит) ахборотини олишда;
- Банкка автокредит ресурсларини тақдим қилувчи томонидан талаб қилган маълумотларни тақдим қилишда (автокредит жалб қилинган ресурслар ҳисобидан амалга оширилган тақдирда);
- автокредит таъминотига оид битимларни расмийлаштириш учун нотариус, суғурта компаниялари, гаров реестри, кадастр ва ички ишлар идораларига мурожаат қилишда;
- муайян банк хизматининг самарадорлигини баҳолаш учун маркетинг изланишларини ўтказиш, таҳлилий ёки статистик маълумотларни тайёрлаш ва умумлаштиришда;
- Банк бошқарув органлари, назорат органлари, аудитор ёки потенциал инвесторлар учун Банкнинг фаолияти ва молиявий ҳолатига оид ҳисоботларни тайёрлашда;
- Қарз олувчи ҳақидаги маълумотларни верификация қилиш, шу жумладан, фибрибгарлик ҳолатларига йўл қўйилмаслиги, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни

легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролиларини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида;

- давлат идоралари ҳамда бошқа жисмоний ва юридик шахсларга муддати ўтган автокредит қарздорликларини ундириш учун мурожаат қилишда;

- янги банк хизматларини таклиф етиш мақсадида;

- юқоридаги мақсадларни амалга ошириш учун шахсга оид маълумотлар акс этган ҳужжатларни маълумот алмашиниш учун алоқа (почта) хизмати кўрсатувчи ташкилотларга тақдим қилиш, электрон ахборот алмашиниш дастурлари базаларига жойлаштиришда.

6. Коррупцияга қарши шартлар

6.1. Тарафлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда уларнинг ҳар бири ўз фаолиятида коррупцион ҳаракатларни тўлиқ таъқиқлаш ва ҳар қандай шаклда ёрдам (бевосита ёки билвосита), шу жумладан пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар, бошқа мол-мулк ёки мулкӣ ҳарактердаги хизматлар, бошқа мулкӣ ҳуқуқларни олиш/бериш, муайян масалаларни тезроқ ҳал қилишни таъминлаш, маъмурий ва бошқа тартиб-қоидаларни соддалаштириш, рақобат ва бошқа афзалликларни таъминлашни тўлиқ рад этади. Томонлар ўз фаолиятида амалдаги қонунчилик, шунингдек унинг асосида ишлаб чиқилган коррупцияга қарши курашишга қаратилган сиёсат ва тартиб (агар мавжуд бўлса) талабларига амал қиладилар.

6.2. Тарафлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш чоғида на ўзлари, на ижроия органи, на уларнинг масабдор шахлари ёки ходимлари бирон-бир шахсларга (жумладан, жисмонӣ шахслар, тижорат ташкилотлари ва давлат мансабдор шахслари) коррупцион тўловларни тақдим етишни таклиф қилмаслигини, тақдим этмаслигини, розилик бермаслигини, шунингдек ҳар қандай шахсдан (тўғридан тўғри ёки билвосита) ҳар қандай коррупцион тўловларни олишга ёки қабул қилишга рози бўлмасликларини кафолатлайди.

6.3. Мазкур бўлимнинг бирон бир шартлари бузилган тақдирда, тегишли тараф бошқа тарафни бундай бузилиш содир бўлган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида ёзма равишда хабардор қилиш мажбуриятини олади. Тараф ёзма хабарномада ушбу бўлимнинг қайси бир қоидалари бузилганлигини тасдиқловчи ишончли фактлар ва материалларни тақдим қилиши шарт.

Ёзма хабарномалар “Гарант банк” АЖнинг ишонч телефонлари орқали амалга оширилади.

6.4. Ушбу бўлим қоидалари тарафлардан бири томонидан бузилганлиги факти тасдиқланганда ва/ёки бошқа тарафнинг қоидабузарликларни кўриб чиқиш ҳақида хабарнома натижалари юзасидан маълумот тақдим қилмаган тақдирда, бошқа тараф шартномани бир тарафлама қисман ёки тўлиқ бекор қилишга ҳақли.

6.5. Мазкур шартномани коррупцияга қарши шартларга асосланиб бекор қилган тараф, бундай бекор қилиш натижасида етказилган ҳақиқӣ зарарни талаб қилишга ҳақли. Зарарларни қоплаш тарафлар томонидан ёзма равишда тасдиқланаган далолатномада белгиланган муддат ва миқдорда амалга оширилади.

7. Форс-мажор ҳолатлар

7.1. Агар шартнома имзолангандан сўнг, тарафларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳамда олдиндан кўра билиш ёки олдини олиб бўлмайдиган, фавқулодда вазиятлар оқибатидаги енгиб бўлмас куч туфайли тарафлар мазкур шартнома бўйича олган мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажара олмасалар (форс-мажор), бунинг учун улар жавобгар бўлмайдилар. Бунда тарафларнинг ҳеч бири, ажратилган кредитни қайтариш бўйича мажбуриятдан ташқари, қўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплашни талаб қилишга ҳақли бўлмайди.

7.2. Қуйидагилар фавқулодда вазиятлар (форс-мажор) бўлиб ҳисобланади: сув тошқини, ёнғин, зилзила, портлаш, бўрон, ер кўчкиси, эпидемия ва бошқа табиат ҳодисалари, уруш ёки ҳарбий ҳаракатлар, фуқаролик тартибсизликлари, террорчилик ҳаракатлари.

7.3. Форс-мажор ҳолатлари юзага келганда мажбуриятлар бажариш муддати бундай ҳолатлар ва уларнинг оқибатлари давом этган вақтга мутаносиб равишда кечиктирилади.

7.4. Тарафлар форс-мажор ҳолатлари вужудга келганлиги ва тугаганлиги ҳақида 10 (ўн) кунлик муддатда ёзма равишда бир-бирларини хабардор қилишлари лозим.

7.5. Форс-мажор ҳолатига асосланаётган тараф, ваколатли давлат идорасининг бундай ҳолатларни вужудга келганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатини тақдим этиши шарт.

8. Шартноманинг амал қилиш шартлари

8.1. Ушбу Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва Қарз оловчи автокредитни ва унинг фоизларини тўлагунча ҳамда томонларнинг ўз зиммаларига олган мажбуриятлари бажарилгунга қадар амал қилади.

8.2. Банк автокредит бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаргунига қадар Шартнома томонлардан бирининг ёзма аризасига кўра бекор қилиниши мумкин.

8.3. Ушбу Шартнома шартларининг ҳар қандай ўзгариши томонларнинг ўзаро келишуви билан амалга оширилади ва қўшимча келишув билан расмийлаштирилади. Ушбу Шартномага ҳар қандай қўшимча келишувлар, Банкнинг ваколатли вакилининг иштирокисиз тузилган бўлса ва ушбу келишувларда Банкнинг муҳри бўлмаса, юридик кучга эга бўлмайди.

8.4. Ушбу Шартнома бўйича Қарз оловчи Банкка шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ мазкур Шартнома шартларини бажариш юзасидан ҳамда қонунчиликка зид келмайдиган бошқа мақсадларда Қарз оловчининг ҳар қандай маълумотларига ишлов бериш ва фойдаланиш ҳуқуқини беради.

8.5. Ушбу шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низолар келишув йўли билан ҳал этилади. Низолар келишув йўли билан ҳал этилмаган тақдирда, ўз ҳуқуқлари бузилган деб ҳисоблаётган тараф бошқа тарафга талабнома юборади. Талабнома тақдим этилган тараф, талабнома олинган кундан бошлаб 10 кун ичида унга жавоб беришга мажбурдир.

Низолар бўйича келишувга эришилмаган тақдирда низо Банк филиали жойлашган жойдаги фуқаролик ишлари бўйича судда кўриб чиқилади.

8.6. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган иккита бир хил нусхада, ҳар бир томон учун биттадан тузилди.

6. Томонларнинг реквизитлари